

VOLUME II | ISSUE 2 | FEBRUARY

2024

Journal of Pedagogical and Psychological Studies

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ISSN: 2181-4066



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

II-ЖИЛД, 2-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

ТОШКЕНТ - 2024

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

№ 2 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4066-2024-2>

Бош муҳаррир:

Нишонова З.

– психология фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Давлатов Ойбек.

– педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

Таҳририят аъзолари:

1. Юсупова Хабиба Ирискуловна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
2. Олимов Лазиз Ярашович – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
3. Элов Зиёдулло Сатторович – психология фанлари доктори, доцент
4. Ганжиев Феруз Фурқатович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
5. Мусаева Мухаббат Эшбаевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
6. Умаров Баҳром Норбоевич – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
7. Орипова Раънохон Иброхимовна – педагогика фанлари номзоди, доцент
8. Ўринова Феруза Ўлжаевна – педагогика фанлари номзоди, доцент
9. Ниёзова Лутфия Худайбергановна – дефектолог - эксперт
10. Салиева Дилором Абдуллаевна – психология фанлари номзоди
11. Останов Шухрат Шарифович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
12. Рустамов Шавкат Шухратович – психология ф.б.ф.д. (PhD)
13. Халлокова Максудахон Эргашевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
14. Исмаилова Раъно Нураевна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
15. Саримова Дилдора Соаталиевна – педагогика ф.б.ф.д. (PhD), доцент
16. Улуғова Шахлола Муслиддиновна – психология фанлари номзоди, доцент
17. Махмудова Зулфия Мехмоновна – психология ф.б.ф.д. (PhD), доцент
18. Худайберганов Шухрат Шавкат ўғли – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)
19. Исматова Дилафруз Тўймуратовна – психология ф.б.ф.д. (PhD)
20. Улуғова Шахлола Муслиддиновна – психология фанлари номзоди, доцент
21. Махмудова Зулфия Мехмоновна – психология ф.б.ф.д., (PhD)
22. Ўринова Озодахон Ўлжаевна – педагогика ф.б.ф.д., (PhD)
23. Рўзиев Умар Музафарович – психология ф.б.ф.д., (PhD)
24. Останов Жасур Шопиржонович – психология ф.б.ф.д., (PhD)
25. Лола Камоловна Илиева (Бахриддинова) – педагогика фанлари номзоди, доцент
26. Муродова Дурдонахон Райимжон қизи – педагогика ф.б.ф.д. (PhD)

“Педагогик ва психологик тадқиқотлар” журнали 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 8.2 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор
24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Мўаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЙ | PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

ЭЛОВ Зиёдулло Сатторович

*Бухоро давлат университети доценти,
Психология фанлари доктори (DSc)*

САМИНЖОНОВ Яхёбек Зоҳиджон ўғли

*Осиё халқаро университети
магистранти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10654844>

ЎСМИРЛАР ОРАСИДА ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ ҲОЛАТИ ПСИХОЛОГИК МУАММО СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ

Мақолада бугунги ривожланган даврда, инсоният, айниқса ўсмир шахси тарбияси ҳар қандай жамиятнинг энг асосий муаммоси эканлиги, булар орасида суицид ҳолати ва унинг психологик сабаблари ва уларни коррекция қилишнинг психологик жараёнларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: интеллект, цивилизация, шахс, глобаллашув, маънавий таҳдид, инсон, ахборот, эмо, гот, неофашизм, оғишиш, девиант, суицид, қасд, стресс, депрессия, психологик низо.

СУИЦИД СРЕДИ ПОДРОСТКОВ КАК ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ПРОБЛЕМА

АННОТАЦИЯ

В современном преклонном возрасте воспитание человечества, особенно личности подростка, является основной проблемой любого общества, среди них обсуждаются ситуация суицида и его психологические причины, и психологические процессы их коррекции.

Ключевые слова: интеллект, цивилизация, личность, глобализация, моральная угроза, человек, информация, эмо, гот, неофашизм, девиантность, девиант, самоубийство, намерение, стресс, депрессия, психологический конфликт.

SUICIDE AMONG ADOLESCENTS AS A PSYCHOLOGICAL PROBLEM

ANNOTATION

In today's advanced age, the education of humanity, especially the adolescent personality, is the main problem of any society, among them the situation of suicide and its psychological causes and the psychological processes of their correction are discussed.

Key words: intelligence, civilization, personality, globalization, moral threat, human, information, emo, goth, neofascism, deviance, deviant, suicide, intention, stress, depression, psychological conflict.

Инсоният XXI асрда коинот ва табиат билан яхлит эканини янада кучлироқ ҳис этди. Цивилизация ривожланган сари инсоният тафаккурида технократик ёндашув яққол кўзга ташланмоқда ва гуманистик ғояларнинг ҳимояга муҳтожлиги сезилмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятини қийнаб турган глобал муаммоларсифатида очлик, қашшоқлик, ичимлик суви танқислиги, пандемик касалликлар билан бирга маънавий хатарлар – гуманизм, толерантлик, ижтимоий интеллектнинг сусайгани, инсонлар билан ўзаро муносабатда ҳурмат, кенгфёъллик, кечиримлилик, сабр, оқибат туйғуларининг йўқола бошлагани тилга олинмоқда. ЮНЕСКОнинг “XXI аср таълими” бўйича халқаро қўмитаси дастурида инсоният олдида турган энг муҳим вазифалар қаторида *биргаликда яшашни ўрганиши* ҳамда *шахс сифатида ноёб, ягона, такрорланмас бўлишни ўрганиши* кабилар алоҳида таъкидлаб ўтилгани бежиз эмас.

Шу билан бирга у мафкуравий таъсир воситаси ҳамдир.

Айнан глобаллашув оқибатида турли маънавий таҳдидлар пайдо бўлдики, улар инсоният хавфсизлигини, давлатларнинг миллий манфаатларини, келгуси авлодларнинг барқарор келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарга айланди. Бугун ер юзида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий мақсадлар кўзланган ана шундай уринишлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатларнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва яшаш тарзи издан чиқаётгани, маънавияти жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Маънавий таҳдидлар – бу инсонларнинг маънавий оламини, руҳиятини издан чиқаришга қаратилган турли шаклдаги ғоявий, мафкуравий, ахборот хуружларидир.

Маънавий таҳдиднинг ёрқин кўриниши оммавий маданиятдир. Ҳозирги даврга келиб оммавий маданият миллий давлатчилик тизимларига жиддий хавф сола бошлади. Инсонни маънавий юксалтирадиган ҳақиқий маънавиятдан фарқли равишда оммавий маданият шахснинг интеллектуал, эстетик, ахлоқий деградациясини кучайтиради.

Оммавий маданиятнинг қуйидаги ижтимоий шакллари мавжуд: индивидуализм, шахсий манфаатларни ҳар нарсадан устун қўйиш, эгоцентризм, эркин муҳаббат ғояси, зўравонликка асосланган компьютер ўйинлари, тижорат кинофильмлари, эстетик савияси паст бўлган, маънавий озик бермайдиган бадий асарлар, жамият анъаналарига зид равишда либослар кийиш, пирсинг, татуаж, хорижда ишлаб чиқарилган миллий табиатимизга ёт бўлган кўғирчоқлар, ўйинчоқлар ва ҳоказолар. Ёшлар орасида кенг тарқалаётган хиппи, эмо, гот, неофашизм каби субмаданият турлари ҳамоммавий маданиятнинг салбий кўринишидир.

Ахлоқсизликни маданият деб билиш, асл маънавий қадриятларни менсимасликнинг бундай ҳолатлари ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам миллий ғоялар, ҳақиқий қадриятлар тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Маълумки, шахс маънавий камолотида оилавий тарбиянинг ўрни беқиёс. Оиланинг болаларга тарбиявий таъсир доираси ижтимоий таъсир доираси сингари ўта кенгдир.

Бироқ кейинги пайтда оилада фарзандлар тарбиясида, уларни камол топтиришда бир қатор муаммоларга дуч келинмоқда. Ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги салбий муносабатлар болаларда хулқ оғиши ҳамда психосоматик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Адабиётлар таҳлили ва мулоҳазалар: Шахснинг оғишган хулқи ёки девиант ахлоқ (*deviatio* – латинча “оғишмоқ”) – бу умумий қабул қилинган ёки расман ўрнатилган ижтимоий меъёрларга мос тушмайдиган ахлоқ шаклидир [1].

Стресс ва депрессияга мойил ўсмирлик даврида ўзининг долзарблиги билан ташвишга солувчи девиант ахлоқ кўриниши *суициддир* (лот. *sui caedere* – ўзини ўлдириш) [2].

Расмий маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўзжонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган.

Кейинги пайтда “Инстаграм”, “В контакте” каби ижтимоий тармоқларнинг турли сегментларида оммалашган ва кўплаб мунозараларга сабаб бўлган “Кўк кит”, “Тинч уй”, “WinX”, “Югурасан ёки ўласан” каби ҳали вояга етмаган ўсмирларни ўздомига тортаётган ўйинлар ҳам охири иштирокчининг ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси билан яқунланади.

Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини текшириш шуни кўрсатадики, аксарият суицидлар ота-оналар, педагогларнинг кўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида, бефарқлик, инсофсизлик ва шафқатсизликка қарши исён сифатида юз беради.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавий соҳасидавужудга келаётган долзарб муаммоларни ҳал этиш, халқимиз маънавиятини асраш, юксалтириш, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ҳамда мафкуралар таъсиридан саклаш, шунингдек, уни ҳимоя қилиш масалалари алоҳида эътиборга моликдир. Ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ҳамда онгида соғлом турмуш тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик давридан оқ шакллантириш муҳим вазифа.

Шахсни маънавий-ахлоқий шакллантириш боланинг туғи лиши билан бошланади ва у оиладаги маънавий муҳит, ота-оналарнинг намунаси, умуммаданий савияси, таълим-тарбияжараёни, атроф-муҳит ҳамда жамият ҳаётини қандай ташкил этишдан иборат. Шу боис бу ота-оналар, мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, барча жамоат уюшмалари, давлат ташкилотлари, бутун жамиятнинг улкан ва сермашаққат ишидир.

Ватанимизнинг ривожланиши ва ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг ҳуқуқий онги, маънавий тафаккури ҳамда сиёсий маданияти даражасига боғлиқдир. Бунда ҳар бир шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг жамият ҳаётидаги ўзгаришларга нисбатан чинакам фуқаровий муносабатлари, демократик ислохотларга интилувчанлиги, кўзланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилдир.

У инсоннинг ёшлигидан бошлаб онгига сингиб, мустаҳ- камланиб бориши керак.

Шахснинг маънавий шаклланишига таъсир этувчи муҳим омиллар орасида оила, мактаб, маҳалла, жамият ва ундаги ижтимоий, маданий-маърифий, иқтисодий соҳаларнинг умумий ҳолати айниқса муҳимдир.

Махсус адабиётларда *девиант ахлоқ* (*deviatio* – лотинча “оғишмоқ”) атамаси билан номланадиган тушунча мавжуд. Ушбу тушунча шахснинг оғишган хулқига нисбатан қўлланилади.


Шахснинг оғишган хулқи – бу умумий қабул қилинган ёки расман ўрнатилган ижтимоий меъёрларга мос тушмайдиган ахлоқ шакли. Девиант ахлоқ турли кўринишларда намоён бўлади. Ушбу муаммо психология, криминология, медицина, социология фанлари доирасида ўрганилади.

Девиант ахлоқнинг энг оммавий тус олган кўринишлариқуйидагилардир:

- *жиноят содир этиши;*
- *алкоголизм;*
- *наркомания;*
- *суицид.*

Бугунги таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўсмир шахсида ижтимоий меъёрларнинг бузилиши натижасида ҳар минг ўсмирда 52 тасида жиноят содир этиш, 14 тасида алкоголизм, 15 тасида наркомания, 19 тасида суицид (ўз жонига қасд қилиш) ҳолатларини кузатишимиз мумкин (1-жадвал).

1-жадвал



Бошқача айтганда, бундай хулқ мавжуд қонунлар, қоидалар, анъаналарга мос тушмайди. Девиант хулқ шахснинг маънавий қашшоқлиги ожизлиги таъсирида келиб чиқади ҳамда ижтимоий муҳит ва шахс ўртасидаги мураккаб вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Маънавий баркамол бўлган шахс ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисаларига нисбатан ижобий муносабатини намоён қилади.

Вояга етмаган ўсмирларнинг шахс сифатида шаклланиш жараёни муаммоли вазиятларда уларнинг мақбул қарорлар қабул қилишларига тўсқинлик қилади. Шунинг учун улар тез-тез жиноятчилик мазмунига эга бўлган ҳаракатларнинг таъсирига тушиб қолади. Ўсмирдаста-секин ижтимоий муҳит талаб ва меъёрларига нисбатан деформациялашувнинг келиб чиқиши юз беради.

Оқибатда салбий хулқ-атвор ўсмирнинг бутун фаолиятини, онгини қамраб олади. Натижада бундай вазиятларда ўсмир ўзининг ёш даври хусусияти ва ҳаётий тажрибасизлиги туфайли ғайриқонуний ҳаракатларга қўл уриши мумкин.

Суицид, соддароқ қилиб айтганда – ўз жонига қасд қилиш стресс ва депрессияга мойил ўсмирлик даврида ўзининг долзарблиги билан ташвишга солувчи девиант ахлоқ кўриниши. Ўз жонига қасд қилиш – аксарият ҳолатларда олдини олиш қийин бўлган офат. Инсонни ўз ҳаёти билан видолашишга ундаган сабаблар ҳатто унинг қариндошлари ва яқинлари учун ҳам жумбоқлигича қолмоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, ҳар йили дунёда миллионга яқин киши ўз жонига қасд қилади.

Ҳар бир суицид ўлим билан тугамаслиги ҳисобга олинса, реал вазият бундан 2-3 марта кўплигини тахмин қилиш мумкин. Суициднинг 800 гаяқин кўринишлари мавжуд.


Улардан,

2-жадвал



Суициднинг энг юқори кўрсаткичлари қуйидаги давлатларда қайд этилган (ҳар 100000 аҳоли ҳисобида) [3]:

3-жадвал



Вояга етмаганлар орасидаги суицид бошқа ёш гуруҳларидаги суицид даражасидан юқорироқ бўлгани туфайли унга алоҳида эътибор қаратилади. У, одатда, қатор ижтимоий, психологик сабаблар туфайли юзага келади. Ёш йигит ва қизлар эрта ёшда ҳаётдан кўз юмаётгани туфайли бу тадқиқотчиларни ҳам тобора кўпроқ ўйлантирапти. Янги нарсаларни ўргана бошлаган ва ҳамма нарсага қизиқиши ортиб бораётган ўспиринни ҳаёт йўлини эндигина бошлаган даврида бу каби машъум қадамга нима ундаётгани кўпчилик учун тушунарсиз бўлиб қолмоқда.

Ўз жонига қасд қилаётган одамлар одатда кучли руҳий оғриқдан, қаттиқ депрессиядан азият чекадилар ва стресс ҳолатида бўладилар ҳамда келажакка умидсизлик билан қарайдилар. Улар ўз муаммоларини енгиш имкониятидан маҳрум эканликларини ҳис қиладилар.

Суицидни даволаш олимлар олдига бир қатор мураккаб масалаларни қўймоқда. Ҳали ўз жонига қасд қилишга мойиллиги бўлган ўсмирлар учун муваффақиятли терапия усулларини ишлаб чиқиш долзарблигича қолмоқда. Суициднинг олдини олиш бўйича бир қатор психологик, терапевтик дастурлар ишлаб чиқилган, аммо бундай дастурлар реал воқеликда умумий хавф омиллари ва ўсмирлар орасида ўз жонига қасд қилиш даражасини қандай қилиб камайтириши мумкинлигиноаниқлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, суицидга оид тадқиқотлар сонининг доимий равишда кўпайиб бораётгани бу муаммонинг ечими топилишига умид беради. Балки эндиликда олимлар бу муаммоларни ҳал қилишга бутун жамиятни жалб қилишлари ҳаммасидан муҳимроқдир. Бундай муҳит суицидни тўлароқ тушунишга ёрдам бериши ҳамда олимлар ва маслаҳатчилар аралашуви янада муваффақиятлироқ бўлишини тахмин қилиш мумкин.

Моҳиятан суицид ёлғиз қолган ва тушкунликка тушган одамнинг хатти-ҳаракати бўлиб ҳисобланишига қарамай, бундай хатти-ҳаракат аслида жамиятга ва айниқса, ўсмирларнинг тез таъсирланувчи руҳиятига катта таъсир ўтказади. Шунинг учун ҳам бу ерда ўсмир-девиантлар билан ишлашда турли технологиялардан фойдаланиш жуда муҳим.

Суицидга мукамал таърифни француз социологи Эмиль Дюркгейм берган. Унинг талқини бўйича, шахс томонидан ўзини кутаётган натижа ҳақида била туриб, содир қилинган салбий хатти-ҳаракатнинг бевосита ёки билвосита натижаси бўлмиш ҳар бир ўлим ҳолати ўз жонига қасд қилишдир.

Ўз жонига қасд қилиш жамиятда, одамлар орасидаги муносабатларда инсон ўзи еча олмаган ёки одатий, ҳаммага маъқул бўлган йўл орқали ечишни истамаган муаммолар борлигидан, шахсий мусибат, умидсизлик ва тушкунлик билан боғлиқ ташвиш мавжудлигидан дарак беради. Ўз жонига қасд қилишга кўпинча узоқ давом этадиган касаллик, баъзан эса ногиронлик ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Жамиятлар тарихида ўз жонига қасд қилиш таҳқирга қарши нафрат, норозилик изҳор этиш йўллари билан бири, ўзор-номусини тиклаш воситаси, бошқа инсонга содиқлик исботи бўлган. Масалан, Ҳиндистонда мавжуд бўлган «*сати*» удумига кўра тул қолган аёл эрининг жасади ёнаётган гулханга ўзини ташлашга мажбур, акс ҳолда уни жамият нафрати умр давомида таъқиб этади [4].

Ўзини қасддан ҳаётдан маҳрум қилиш одатда, оғир руҳий оғриқ ва стресс остида азоб ва муаммоларни енгиш учун қодир эмаслигини ҳис этиш билан боғлиқ.

Улар тез-тез руҳий касалликка чалиниш, ҳиссий тартибсизликлар, руҳий тушкунлик оқибатида ҳам юз беради.

Расмий маълумотларга қараганда жаҳонда ёшлар орасида ўз жонига қасд қилиш ўтган йигирма йил давомида икки баробарга ошган.

14-24 ёшда бўлган шахсларнинг 16 фоиз бу ҳолатни бошидан кечиради, 6 фоизни ўғил болалар, 10 фоизни қиз болалар ташқил этади [5, 9].

Суицидаль ҳолатларнинг 90 фоизи психосоматик касалликларга чалинган шахслар томонидан, 10 фоизи бундай касалликларга чалинмаган шахслар томонидан амалга оширилади.

Баъзи мутахассислар ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг 90 фоизни ўзига эътиборни жалб қилиш билан изоҳлайдилар.

Вояга етмаганлар томонидан суицидаль амалга ошириш шахсий фожеа, табиий офатлар, умидсизлик, ўлим кўркуви таъсирида кечади.

Вояга етмаганларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини текшириш шуни кўрсатадики, аксарият суицидаль оиладаги келишмовчилик, ўқитувчилар, педагогларнинг кўполлиги, синфдошлари билан келишмовчилик, турли можаролар, атрофдагиларнинг эътиборсизлиги оқибатида юз беради.

Кўп ҳолларда ёшларнинг ўз ташвишларига ота-оналар ва ўқитувчилар эътиборини жалб қилиш мақсадида журъат қилишга бундай дахшатли йўлни кўполлик, бефарқлик, инсофсизлик ва шафқатсизликка қарши исён деб кўрсатадилар. Бундай қадам табиатан таъсирчан ўсмирлар томонидан ўзини ёлғиз, кераксиз-деб, ҳис қилиш оқибатида турли стресслар таъсирида амалга оширилади.

Ўз жонига қасд қилиш айна табиат гуллаб яшнаган даврда яъни баҳорда кўпроқ қайд этилади. Психологлар қалбдаги тушкун кайфият ва табиатнинг турфа ранглари ўртасидаги контраст, кескин фарқ бунга сабаб бўлиши мумкин, деб кўрсатадилар. Америкалик олим Томас Эллиот энг шафқатсиз ой деб апрелни кўрсатади. Суициднинг энг кўп миқдори айнан апрель ойига тўғри келиши қайд этилган.

Суицидга сабаб бўлувчи асосий ижтимоий омиллар [6, 9]:

✓ парасуицид (аввал амалга ошмаган суицид таъсирида иккиламчи суицидаль амалга ошириш);

✓ суицидаль таҳдидлар таъсирига тушиш;

✓ оилада суицид ҳолати қайд этилганлар;

✓ аутоагрессия;

✓ алкоғолли ичимликларни истеъмол қилувчи шахслар (жами суицидальнинг 30 фоиз);

✓ наркоген ва токсик моддаларни истеъмол қилувчилар (алкоғол ва наркоген моддаларни сурункали истеъмол қилиш депрессия, тушкунлик, ўзини гуноҳкор ҳис этиш кайфиятини келтириб чиқаради, яшашга бўлган мотивацияни пасайтиради.);

✓ оғир депрессияга чалинганлар;

✓ хроник ва летал оқибатли (тузалишига умид йўқ бўлган ҳолатларда) касалликлар;

✓ оғир йўқотишларни (ўз яқинидан, яхши кўрганидан маҳрум бўлиш ва ҳ.) бошидан кечирганлар;

✓ оиладаги турли муаммолар (зўравонликлар, можаролар, ажралишлар ва ҳ.);

✓ ўсмирлар суицидаль деб аталадиган ҳолат ёки тиббиёттили билан айтганда, жинсий балоғат давридаги суицид.

Ўзини ўлдирмоқчи бўлганларнинг 70-75 фоизи ўз мақсадини у ёки бу тарзда ошқор қилади. Баъзан бу аранг илғанадиган ишоралар бўлиши мумкин, аммо кўпинча таҳдид осон англанадиган бўлади.

Улар ичидагини тўқиб солиш ва тингланиш имкониятини излайдилар. Аммо кўпинча уларни эшитишмайди. Агар одам ўз жонига қасд қилишга жиддий қарор қилган бўлса, одатда, бунинг ўзига хос қатор аломатлардан илғаб олса бўлади. Бу аломатлар

- сўз орқали ифодаланган;

- хулқ-атвор орқали ифодаланган;

- вазият орқали ифодаланган белгилар каби уч гуруҳга ажратиш мумкин.

Суицидаль қандай пайқаш мумкин?

Суицидиал хавфи юқори референт гуруҳ

- девиант ва криминал хулқ-атворли ўсмирлар;
- алкоголь ва наркоген моддалар истеъмол қиладиган ўсмирлар;
- ўзига ўта танқидий муносабатда бўладиганлар;
- фожеа ва таҳқирловни бошидан кечирган шахслар;
- ҳаётда юқори чўққиларга эриша олмаган, орзулари амалга ошмаган шахслар;
- турли оғир касалликка чалинган инсонлар [6, 10].

Суицидиал ҳолатларда эмоционал бузилишлар қуйидагикўринишларда намоён бўлади:

4-жадвал.

Ҳолат	Эмоционал бузилиш
Ташқи кўриниш ва феъл-атвор	ГипомимияАмимия Паст овозда сўзлаш Нутқнинг секинлашуви Жавобларнинг қисқалигиЖавобларнинг йўқлиги Экспрессив нутқ Патетик интонация Зорланиш Ҳадиксираш Ҳаракатнинг сустлигиКамҳаракатлик Адинамия
Психологик касалликлар	Депрессия Неврозлар Асосиз кўрқув Ҳадиксираш ва безовталиқ Маниакал-депрессив психоз Шизофрения
Эмоционал бузилишлар	Тушкун кайфият Саросима Жаҳлдорлик Серзардалиқ Танқидий муносабат Атрофдагиларга салбий муносабат Яхши яшаётганларга нисбатан нафрат туйғуси Ўзига ва атрофдагиларга бефарқ муносабат Ҳис-туйғуларнинг йўқлиги Сабабсиз безовта бўлиш Ёмонликни кутиб яшаш Зерикиш Иштаҳанинг йўқолишиУйқусизлик Кўп ухлаш
Шахсий ҳаётини баҳолаш	Ўтмишга пессимистик баҳо бериш Ўтмишда юз берган нохуш воқеаларни тез-тез эслаш Ҳозирги ҳаётини пессимистик руҳда баҳолаш Келажакка оид режаларнинг йўқлиги Ўз келажagini тасаввур эта олмастик Ўлим ҳақида кўп ўйлаш Оиласи ва дўстларидан узоқлашиш Сержаҳл ва серзарда бўлиб қолиш
Атроф-муҳит билан мулоқот	Одамовилиқ, атрофдагилар биланмулоқотдан қочиш Атрофдагилар билан мулоқотда бўлишга интилиш, улардан ёрдамолишга интилиш Шифокордан маслаҳат олишга эҳтиёжсезиш Норозилиқ кайфияти Бўлар-бўлмаста инжиқлик қилиш Ўз азобларини ўта бўрттиришга инти-лиш

Хулоса: Болаларда суицидал хулқ-атвор аломатларини кўрганда қандай чоралар кўриши мумкин?

Суицидга мойил ёшлар одатда тўғридан-тўғри ёрдам излашмайди: шунга қарамай, уларнинг ота-оналари, муассаса маъмурияти ёки тенгдошлари огоҳлантирувчи аломатларни аниқлаши ва ўсмирни сақлаб қолиш учун қандайдир чораларни кўриши мумкин.

Инсонга кулоқ тутиш орқали унинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин! Агар сиз ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган бирорта одамни билсангиз ёки “унда суицидга мойиллик бор” деган гумонда бўлсангиз, у ҳолда, ҳаётини сақлаб қолишда унга ёрдам беришингиз мумкин, бунинг учун шунчаки унинг айтганларига кулоқ тутинг!

Ўзини ўлдиришга чоғланган одамлар кўпинча “менинг ҳеч кимга керагим йўқ”, “менинг бошқа иложим йўқ” ва “мен ҳақимда ҳеч ким қайғурмайди” деб ўйлайдилар.

Одамларни тинглаш орқали улар билан содир бўлаётган ҳодисаларга ва содир бўлиши мумкин бўлган нарсаларга бефарқэмаслигимизни намоён этамиз.

Ота-оналар муассаса маъмурияти ёки ижтимоий марказларга иложи бориша тезроқ ёрдам сўраб, муурожаат қилишлари керак. Шунингдек, таълим муассасаси маъмурияти ва психологи бундай ўқувчиларни доимий равишда кузатиб бориши ҳамда парасуицидал ҳолатдан тўла чиқиб кетгунча улар билан бирга бўлиши лозим.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Н.Тайлоқов. Вояга етмаганларга ўртасида суицид ҳолатларини олдини олиш. Методик қўлланма. Тошкент 2017
2. Х.Рухиева. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва суицид ҳолатлари профилактикаси. Ўқув қўлланма. Тошкент 2021
3. З.С.Элов. Қадимги халқлар урф-одатлари ва ривожланган жамиятда ўз жонига қасд қилишнинг ижтимоий психологик сабаблари. Тарих ва бугун (қадимги халқлар урф – одатлари ва бугунги замон). Жамият ва инновациялар. Тошкент. (10) 2021
4. З.С.Элов. Суицид – ўз жонига қасд қилиш ижтимоий психологик муаммо сифатида. CONFERENCE ON SOCIAL AND HUMANITARIAN RESEARCH. 2021
5. З.С.Элов. Замонавий жамиятда суицид (ўз жонига қасд қилиш) муаммолари. Eurasian journal of Law, Finance and Applied Sciences 1 (2(2021): EJLFAS), 26-28
6. Z.S.Elov. [PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF SPEECH DISORDERS AND THE CAUSES THAT CAUSE THEM ON THE CHILD'S PSYCHE](#). Academicia Globe: Inderscience Research 1 (VOLUME 3 , ISSUE 1 , JANUARY-2022
7. Z.S.Elov. [CAUSES AND ANALYSIS OF SUICIDAL THOUGHTS AMONG ADOLESCENTS](#). EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). Volume: 6 | Issue: 11 | November 2021
8. Z.S.Elov. [O‘SMIRLIK DAVRIDA SHAXS XULQ-ATVORIDA KUZATILADIGAN REAKSIYALARNING PSIXOLOGIK TA‘SIRI](#). PSIXOLOGIYA ILMIY JURNAL. (1)2022. 27-29
9. З.С.Элов. [Девиант хулқ-атворли ўсмирларда суицидал ахлоқ психологияси](#). Та’лим ва innovatsion tadqiqotlar xalqaro ilmiy metodik jurnal.–Buxoro 2023
10. Z.S.Elov. [O‘SMIRLAR ORASIDA SUITSIDGA MOYILLIKNI ANIQLASH VA KORREKSIYALSHNING PSIXOLOGIK ASOSLARI](#). Та ‘lim va innovatsion tadqiqotlar xalqaro ilmiy metodik jurnal.–Buxoro 2023 №10

ISSN: 2181-4066
DOI Journal 10.56017/2181-4066

ПЕДАГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР

II-ЖИЛД, 2-СОН

ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ
ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-2

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-2

«Педагогик ва психологик тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054834-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz